


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 11 июнь, № 117 (4780) Пайшанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АСОСИЙ ТАНТАНАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз пойтахти азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйига бағишлаб мамлакатимизда кенг кўламдаги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида нишонланаётган бу санага халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида қизиқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини унинг юртимиз ва минтақамиз тарихидаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги тутган беқиёс ўрни ва мавқеига муносиб тарзда юқори савияда нишонлаш ҳамда бу тарихий санага бағишланган асосий тантаналар ва оммавий сайилларни чуқур ўйланган дастур асосида мазмунли ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган қарорига қўшимча равишда 1-иловага мувофиқ чора-тадбирлар режаси қабул қилинсин. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва байрам концертини тайёрлаш бўйича ташкилий-ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш санасига бағишланган тантанали мажлис ва концерт дастурини 2009 йил 1 сентябрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида, оммавий тадбирлар ва халқ сайилларини эса 2 сентябрь куни пойтахт майдонларида ўтказиш ҳақидаги таклифлар маъқуллансин.

3. Мустақиллик куни ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида 2009 йил 29 август шанба дам олиш куни 2009 йил 31 август душанба кунига, 2009 йил 30 август якшанба дам олиш куни 2009 йил 2 сентябрь чоршанба кунига кўчирилсин. 29 август шанба ва 30 август якшанба кунлари иш куни деб эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 10 июнь

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ТЕХНИК ЯНГИЛАНИШ

### иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нечоғли тўғри ва оқилона эканлиги, айниқса, ҳозирги пайтда дунё миқёсида кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида яққол намоён бўлмоқда.***

ИНТИЛИШ

Юртимизда хорижлик сармоядорлар учун яратиб берилган қулай инвестицион муҳит туфайли кўплаб янги, замонавий корхоналар ишга туширилаётгани, мавжудлари техник ва технологик қайта жиҳозланаётгани, бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларга импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бераётгани бунинг ёрқин далилидир.

Урганч шаҳрида фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Гиламчи карпет" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ана шундай корхоналардан бири. Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона цехлари Бельгиядан 400 минг АҚШ долларига келтирилган сўнгги русумдаги ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган.

Жорий йилнинг апрель ойида иш бошлаган қўшма корхонада йилига 80,6 минг квадрат метргача маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда 8 хил рангда тўқилаётган сифатли гиламларга ҳозирданоқ ички ва ташқи бозордан кўплаб буюртмалар келиб тушмоқда. Ўтган қисқа давр ичида эса харидорларга 94 миллион сўмлик 13 минг квадрат метр маҳсулот сотилди.

Йигирма уч нафар маҳаллий ёшдан иборат корхона жамоаси харидорлар талабини ҳисобга олган ҳолда, маҳсулот сифатини янада яхшилаш ҳамда турини кўпайтириш мақсадида астойдил меҳнат қилаётир. Улар йил охиригача яна 50 минг квадрат метр гилам тўқиш ва тайёр маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилишни мўлжаллашаяпти.



Комил ЎРАЗИМБЕТОВ олган сурат.

**СУРАТДА:** корхона ишчиси Гулнора Ёқубова.

## МИРЗО УЛУҒБЕК ВА ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ

### Самарқанд шаҳрида «Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиз томонидан яратилган маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш, давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганиш, ўзлигимизни англаш ва намоён этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқанд шаҳрида ўтган "Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро илмий конференция улуғ алломанинг илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганишга бағишланди.***

Биз ва дунё

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди. Унда мамлакатимиз ва Франция, Италия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбойжон сингари хорижий давлатларнинг етакчи олимлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Халқаро анжуман иштирокчилари Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Расадхона ва Улуғбек музейи фаолияти билан танишдилар. Қадим Самарқанднинг Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Регистон сингари муаззам обидалари хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотди. Конференция қатнашчилари истиқлол йилларида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Халқаро илмий конференцияни Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш. Солиҳов очди. Тадбирда ўзбек халқининг бой давлатчилик тарихи, улкан илмий ва маданий мероси хусусида сўз юритилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2009 йилни «Халқаро астрономия йили» деб эълон қилгани, бу фан ривожида буюк ўзбек қомусий олими Мирзо Улуғбекнинг беназир ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳар бир халқнинг маънавий қиёфасини унинг тарихи, миллий салоҳияти, урф-одат ва анъаналари белгилайди. Бу борада юксак илмий мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаган, Буюк Ипак йўлидаги турли цивилизациялар туташадиган муҳим чорраҳа саналган қадим ва бетакрор юртимиз азалдан олиму уламолари, фозилу фузалолари, шоиру шуаролари билан доврук қозонган. Она заминимизда туғилиб, камолга етган улуғ алломалар дунёвий ва диний илмлар тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Буюк боболаримиз тафаккури ва даҳоси маҳсули бўлмиш минглаб асарлар, тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид ноёб қўлёзмалар бизнинг бебаҳо маънавий бойлигимиздир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бундай бой меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Европада Ал-Фраганус номи билан машҳур бўлган Аҳмад Фарғоний, қомусий тафаккур соҳиби Абу Райҳон Беруний, медицина фанининг отаси саналган Абу Али ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиққан Маҳмуд Замахшарий, ўзида мингдан зиёд юлдузлар ҳаракатини жамлаган астрономик жадвал яратган Мирзо Улуғбек сингари дунё аҳлини ҳайратга солган улуғ мутафаккирларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бундай юксак ифтихор туйғуси бизни ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ сифатида ифтихор билан яшашга, аждодларга муносиб авлод бўлишга даъват этади.

Мирзо Улуғбекнинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда, деб таъкидлайди Президентимиз. Буюк аждодимиз Улуғбек номи берилган маънавият масканлари, кўчалар ва шаҳарлар жуда кўп. Юртимизда дунёга кўз очаётган ҳар ўн чақалоқнинг бирига эзгу ният билан Улуғбекнинг исми берилаяпти, деб айтсак, муболаға бўлмайди.

1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди халқаро миқёсда кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йил «Улуғбек йили» деб эълон қилинди. Аллома юбилейи муносабати билан Франция пойтахти Париж шаҳрида — ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган халқаро форумда иштирок этган мамлакатимиз олимларининг илмий маърузалари дунё ҳамжамияти эътиборини тортди.

(Давоми 2-бетда).

***Самарқанд шаҳрида 10 июнь куни "Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон олимлари билан бир қаторда Франция, Италия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озарбойжон каби кўплаб мамлакатлардан олимлар, эксперт ва мутахассислар, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг фикрлари билан қизиқди.***

## СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Дарио ЖОРЖЕТТИ, Болонья университети профессори (Италия):**

— Мирзо Улуғбек астрономия ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломадир. Бу — бутун дунё олимлари неча асрлардан буён эътироф этиб келаётган ҳақиқат. Улуғбек расадхонаси — Самарқанддаги XV аср меъморлигининг нодир намуналаридан. Олим қолдирган илмий мерос барча астрономлар учун катта мактаб вазифасини ўтамоқда. Конференция ушбу буюк алломанинг жаҳон илм-фани ривожида тутган ўрни ҳақида жуда кўплаб маълумотлар олиш имконини берганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Биз, олимлар келгусида Улуғбекнинг илмий тадқиқотларини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, меросининг ҳали очилмаган қирраларини кашф этиш мақсадида махсус ташкилот очишни режалаштирганмиз. Бу эса, ўз навбатида, астрономиянинг янада ривожланишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## Яхши хабарлар

***Марғилон шаҳрида вилоят ёш ҳунармандларининг кўргазмаси очилди. Унда 1000 га яқин ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда.***

### Ёш ҳунармандлар кўргазмаси

Айниқса, Р. Мирзааҳмедовнинг адрас, атлас ва шойидан тайёрланган 50 турдаги маҳсулоти, А. Маъмуровнинг 20 турдаги совға-қўғирчоқлари, О. Тошпўлатовнинг дарвоза, сўри сингари ижодий ишлари томошабинларда илиқ таассурот қолдираётир.

Кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этган ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхо Эван Эспинал ҳамда Германиянинг Миграция ва тараққиёт (ривожлантириш) халқаро марказининг Ўзбекистондаги эксперти Питер Родде ёш ҳунармандларимиз ишига юқори баҳо беришди.

**М. МАҲМУДОВ.**

### Бўлғуси аскарлар беллашуви

***Нукус шаҳрида "Ҳарбий чақирувгача тайёрлаш бўйича энг яхши таълим муассасаси" танлови бўлиб ўтди.***

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 16 та жамоа иштирок этди.

Қатнашчилар тест ва амалий синов асосида беллашдилар. Пировардида Нукус олимпия захиралари коллежи жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Эндиликда ушбу жамоа танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси шарафини ҳимоя қилади.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сармоя самара келтирмоқда

***"Ғиждувон Сапролэт" масъулияти чекланган жамияти вилоят ҳудудий инвестиция дастуридан унумли фойдаланмоқда.***

Яқинда корхонага 35 минг АҚШ доллари миқдоридаги технология келтириб ўрнатилди ҳамда елим халтачалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда 6 нафар киши иш билан таъминланди. Эндиликда бу ерда янги технология асосида йилига 450 минг дона елим халтача ишлаб чиқарилади.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. У "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси корхоналарида ижро этилиши бўйича ўтказилган назорат таҳлил фаолиятига бағишланди.***

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Унда манфаатдор вазирлик ва идоралар, молия, солиқ органлари ҳамда банкларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда қайд этилганидек, "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан республика иқтисодиётининг барча соҳалари ва аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, энергетика ва кўмир тармоқларини бошқариш тизимини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга, компания тизимида Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг тўла-тўкис қўлланилмаганлиги, моддий ва молиявий маблағлар, даромад ва харажатлар ҳисоботи ўз вақтида, тўғри юритилмаганлиги, бухгалтерия ҳисоботида икки ёқлама ёзув қоидаларига амал қилинмаганлиги оқибатида молиявий ҳисоботларда ноаниқликларга йўл қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, тизим корхоналарида дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўсишига олиб келган.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



## Янги иш ўринлари яратилмоқда

**2009** йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, мамлакатимизда **208,6** мингта янги иш ўрни яратилди.

**Жойларда Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган режаларни изчил амалга ошириш, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига шундай ижобий натижага эришилди.**

